

СОҒЛОМ АВЛОД ВА ШАХС КАМОЛОТИ ОМИЛЛАРИ ҲАҚИДА

Каримов Жасурбек Салим ўғли

ТМИ магистранти

Инсоният пайдо бўлганидан буён ўттиз тўққиз минг тўққиз юз тўқсон тўққиз авлод яшаб ўтган. Ҳозирги давр одамлари одамзотнинг қирк мингинчи авлодларидир. Одам шунча вақт ва узоқ давом этган эволюция эвазига битта биологик турнинг иккита шакли – дастлаб укувли одам – *Homo fabilus*, сўнгра эса ҳозирги замон одамлари – ақлли одам – *Homo sapiens* тарзида яшади, меҳнат ва ижод билан машғул бўлди.

Одам тирик организм сифатида ўсиш (бу-миқдор ўзгаришларидир), ривожланиш (бу – сифат ўзгаришларидир) ва кўпайишдек муҳим хусусиятларга эга. Инсоннинг энг қадимий касби – суюқоёқликдир. Шунинг эвазига анчагина жинсий касалликлар гирдобига дучор ҳам бўлди. Одам бошқа турдаги организмлардан фарқли ўлароқ, иккинчи сигнал системаси ва психик фаолиятга эгадир. Ана шу бебаҳо табиий бойлик – ақл ва онг эвазига у оиладек табаррук тузилмани ўйлаб топди. Оила - муқаддас тушунча. Никоҳ эса беназир тадбирдир. Оила – жамиятнинг муҳим ва моддий ҳамда маънавий хужайрасидир. Никоҳ эвазига соғлом зурёдлар ёруғ дунёга келади. Соғлом жинсий ҳаёт эр ва хотиннинг саломатлигини кафолатлайди.

Жисмоний ва ақлий саломатликнинг бош омили – экологик вазиятдир. Мусаффо ҳаво, тоза ва ичиш учун яроқли сув, соғлом таркибли тупроқ, тўлақонли ва биологик нуқтаи назардан бекаму кўст озиқ-овқат ва соғлом турмуш тарзи жамият аъзоларига энг зарур омиллар сифатида ҳалол хизмат қилади.

Оиланинг соғлом муҳити жамиятнинг тўлақонли бўлишини таъминлайди. Бола тарбияси - энг оғир ижтимоий вазифадир. Ота ва онанинг шахсий ва ижобий намунаси солиҳ ва солиҳа фарзандларнинг камолга етиши учун гаровдир. Остона ҳатлаб ташқи дунёга қадам қўйилганида эса болага атроф-муҳит ва жамоатчиликнинг таъсири сезиларли бўлади. Таълим муассасалари ва маҳалла-қуй, умуман, ижтимоий сфера муҳити инсон

фарзандини то ҳаётининг сўнги дақиқасигача таъқиб қилиб боради. Шу боисдан, “устоз-шогирд” анъаналариги алоҳида урғу берилади. Яхши устозлардан яхши шогирдлар қолади.

Никоҳ тузувчилар бир-бирларини обдон синовдан ўтказишлари лозим. Ўзаро аждод-авлоди ва сулолаларининг шажарасини суриштириш ҳам муҳимдир. Бежизга соҳибқирон Амир Темур зурёдларига умр йўлдоши топишни ўзи учун энг оғир ва мураккаб иш деб ҳисобламаган, ахир.

Шайх Саъдий ёзганидек, “Қололмас жаҳон ичра мангу киши, колгусидир яхши номи ва иши”. Яхши иш ва яхши ном қолдириш эса осон эмас, албатта. *“Келиб кетарларга маскан бу дунё, бунда ёнма-ёндир савоб ва риё, шундай яшайликки, биздан кейин ҳам, ишу номимиздан таралсин зиё”* (курсив бизники – Ҳ.О.).

Маълумки, таълим ва тарбиянинг бирлиги – педагогиканинг олтин қоидасидир. Ўқитишнинг учта, бир-бири билан чамбарчас боғланган ижтимоий вазифаси мавжуд: таълим бериш, тарбиялаш ва шахсни ривожлантириш. Булар орқали инсон фарзанди камолот сари одимлайди. Сифатли таълим ва самарали тарбия етук кадрларнинг шаклланишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов тўғри таъкидлаганларидек, “Кадрлар тайёрлаш узоқ давом этадиган жараён бўлиб, у ҳар биримиздан астойдил, бетиним ва изчил меҳнат қилишни талаб этади”. Таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагог ва тарбичиларнинг салоҳияти, кучли касбий билими ва маҳорати кўп нарсани белгилайди. Уларнинг зиммасига улкан ва зарур ижтимоий миссия юклангандир. Шу ўринда Юртбошимизнинг қуйидаги қанотли иборасини эслаш ўринли деб ҳисоблаймиз: “Агарки, дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг орасида энг шарафлиси - ўқитувчилик ва мураббийликдир”. Ўсиб келаётган авлодни камолот пиллапоялари узра етаклашдек қутлуг вазифани адо этиш – устоз ва тарбиячиларнинг асосий бурчидир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг муваффақиятли бажарилиши ҳам, пировард натижада, тилга олиб ўтилган кўпгина омилларга боғлиқдир. Соғлом авлод ва камолотга эришган шахсларгина порлоқ келажагимизни белгилайди.